

**CONTINUING EDUCATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE,
INNOVATION, AND TRANSFORMATION.**
International online conference.

Date: 29th June-2025

ЕР КАДАСТРИ ТУШУНЧАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ



Баходир Муртозаевич Боймоқов

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошкариш агентлиги бош юрисконсульты, Тошкент, Ўзбекистон

ПОНЯТИЕ, ЗАДАЧИ И ЗНАЧЕНИЕ ЗЕМЕЛЬНОГО КАДАСТРА

Баходир Муртозаевич Боймоков

Главный юрисконсульт Агентства по управлению государственными активами Республики Узбекистан Ташкент, Узбекистан

CONCEPT, FUNCTIONS, AND IMPORTANCE OF LAND CADASTRE

Bakhodir Boymokov

Chief Legal Counsel of the Legal Department for Contractual Legal Relations and Litigation of the State Assets Management Agency of the Republic of Uzbekistan

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Аннотация: Ушбу мақолада ер кадастри тушунчаси, унинг асосий вазифалари ва жамият ҳамда давлат учун аҳамияти ҳақида сўз боради. Ер кадастри — бу ер участкаларини ҳисобга олиш, баҳолаш ва хуқуқий тартибга солиш тизими бўлиб, у давлатнинг ер ресурсларидан самарали фойдаланишини таъминлашда мухим ўрин тутади. Шу билан бирга, мақолада ер кадастрининг хуқуқий асослари ва амалиётдаги қўлланилиши ҳам ёритиб берилган.

О СТАТЬЕ

Аннотация: В данной статье рассматриваются понятие земельного кадастра, его основные функции и значение для общества и государства. Земельный кадастр представляет собой систему учёта, оценки и правового регулирования земельных участков, играющую важную роль в эффективном использовании земельных ресурсов. Также освещаются правовые основы кадастра и его практическое применение.

A B O U T A R T I C L E

Abstract: This article explores the concept of land cadastre, its primary functions, and its significance for both society and the state. A land cadastre is a system for registering, evaluating, and legally regulating land plots, playing a crucial role in the efficient use of land resources. The article also discusses the legal foundations of the cadastre and its practical implementation.

Калит сўзлар: ер кадастри, ер ресурслари, хуқуқий тартиб, баҳолаш, ҳисобга олиш, давлат назорати.

CONTINUING EDUCATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE, INNOVATION, AND TRANSFORMATION.

International online conference.

Date: 29th June-2025

Ключевые слова: земельный кадастр, земельные ресурсы, правовое регулирование, оценка, учёт, государственный контроль.

Keywords: land cadastre, land resources, legal regulation, evaluation, registration, state control.

Ер – инсон фаолиятининг асосий манбай бўлиб, унинг мақсадли ва самарали фойдаланиши жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан, ерга оид маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва юридик жиҳатдан тасдиқлаш учун замонавий ер кадастри тизими жорий қилинган.

Давлат ер кадастри давлат кадастрлари ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табиий, хўжалик, хуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўгрисидаги маълумотлар ҳамда хужжатлар тизимидан иборатdir.

Давлат ер кадастри ер участкаларига бўлган хуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини, ерларнинг миқдори ва сифатининг ҳисобга олинишини, тупроқ бонитировкасини, ерларнинг қиймат баҳосини, шунингдек ер кадастрига доир ахборотлар бир тизимга солиниши, сақланиши ва янгилаб турилишини ўз ичига олади.

Бугунги кунда ресурслардан оқилона фойдаланиш, ер майдонларини самарали бошқариш ва уларга оид хуқуқий муносабатларни аниқ юритиш жамият ва давлат ривожи учун муҳим омиллардан бирига айланган. Ер ресурслари ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарорлигига ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу боис, ерга оид маълумотларни тўғри юритиш, уларни доимий янгилаб бориш ва хуқуқий асосда тасдиқлаш масаласи – бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон шароитида ушбу масаланинг долзарблиги қуйидаги омиллар билан янада яққол намоён бўлмоқда:

Биринчи, аҳоли сони ортиб бориши ва урбанизация жараёнлари туфайли ерга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Бу эса ер ресурсларини аниқ ҳисобга олиш, оқилона тақсимлаш ва тўғри бошқаришни талаб этади.

Иккинчи, қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг устувор соҳаси бўлиб, унинг самарадорлиги ердан фойдаланиш тартиби, унумдорлик ва ерларнинг холатига чамбарчас боғлиқ. Ер кадастри орқали мазкур тармоқда илмий асосланган режалаштириш ва самарали бошқарув имкониятлари кенгаяди.

Учинчи, ерга оид хуқуқий низолар, чегара муаммолари ва ердан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари ҳануз долзарблигича қолмоқда. Бундай ҳолатларда кадастр маълумотлари хуқуқий асос сифатида муҳим аҳамиятга эга.



CONTINUING EDUCATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE, INNOVATION, AND TRANSFORMATION.

International online conference.

Date: 29th June-2025



Тўртингчи, рақамлаштириш ва давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида кадастр тизимларини автоматлаштириш ва фуқаролар учун очиқ ахборот тизимларини яратиш долзарб вазифалардан биридир.

Бешинчи, ерга оид маълумотларнинг очиқлиги ва ишончлилиги тадбиркорлик мухитини яхшилаш, инвесторларни жалб этиш ҳамда коррупция ҳолатларини камайтиришга хизмат қилади.

Охир-оқибат, глобал экологик муаммолар — хусусан, тупроқ деградацияси, чўлланиш ва сув ресурсларининг танқислиги — ер ресурсларининг мониторинги ва муҳофазасини янада аҳамиятли қилади. Бу борада кадастр маълумотлари экологик хавфларни баҳолаш ва уларга қарши курашишда муҳим восита ҳисобланади.

Давлат ер кадастрини юритишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

- ✓ мамлакатнинг бутун ҳудудини тўла қамраб олиш;
- ✓ фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш;
- ✓ ер кадастрига доир ахборотлар ишлаб чиқиши услубиётининг бирлиги;
- ✓ ер кадастрига доир ахборотларнинг тўғри бўлиши.

Шундай қилиб, ер кадастри тизимини такомиллаштириш ва замонавий талабларга мос равишда ривожлантириш нафақат иқтисодий ва ҳуқуқий тизим, балки давлат бошқаруви, жамият фаровонлиги ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ер кадастри – бу давлат томонидан амалга ошириладиган, ер участкалари тўғрисидаги ҳуқуқий, иқтисодий ва табиий маълумотларни тўплаш, қайд этиш, баҳолаш ва янгилаб бориш тизимиdir. У ер фондини тўғри баҳолаш, солиқ солиши, ердан фойдаланиш ва ер ресурсларини бошқариш учун зарур маълумотлар базасини шакллантиради.

Ер кадастрининг асосий вазифалари - ерга оид маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш ҳамда ер участкалари тўғрисидаги табиий, ҳуқуқий ва иқтисодий маълумотларни йиғиш, сақлаш ва мунтазам янгилаб боришдан иборат.

Бугунги кунда давлат ер кадастрини юритиш аэрокосмик суратга олишни, топография-геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геоботаника тадқиқотларини ва бошқа тадқиқотларни ҳамда изланишларни ўтказиш, ерларни микдор ва сифат жиҳатидан ҳисобга олиш ҳамда баҳолаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали таъминланади.

Давлат ер кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат ер кадастрини юритиш қўйидаги йўл билан амалга оширилади:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ва ер участкаларига доир битимларни давлат рўйхатига олиш;

кадастрга оид суратга олиш;

CONTINUING EDUCATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE, INNOVATION, AND TRANSFORMATION.

International online conference.

Date: 29th June-2025

ер участкаларининг эгаларидан, улардан фойдаланувчилардан, ижарачилардан ва ер участкаларининг мулкдорларидан маълумотлар олиш, уларнинг тўғрилигини текшириш, ер кадастрига доир хужжатларга жорий ўзгартишлар киритиш.

Давлат ер кадастрини юритишда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан қўйидагилар амалга оширилади:

тупроқшунослик, агрохимия, геоботаникага оид ва бошқа изланишлар ҳамда тадқиқотлар;

ерларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ҳамда баҳолаш.

Ер майдонларини аниқлаш ва чегаралаш:

Ер участкалари чегараларини аниқлаб, уларни кадастр харитасида қайд этиш.

Ерни баҳолаш:

Ернинг бозор қийматини аниқлаш, солиқ ва ижара тўловлари учун асос яратиш.

Ерга бўлган хуқуqlарни рўйхатдан ўтказиш:

Ер участкаларига нисбатан мулк, ижара ва фойдаланиш хуқуqlарини давлат рўйхатидан ўтказиш.

Ахборот тизимини юритиш:

Географик ахборот тизимлари (ГАТ) орқали ер ресурслари ҳақидаги маълумотларни рақамлаштириш ва фойдаланувчиларга тақдим этиш.

Ер кадастрининг аҳамияти:

1. Иқтисодий аҳамият:

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, инвестициялар жалб этиш, бозор муносабатларини ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлади.

2.Хуқуқий кафолат:

Ерга нисбатан мулкий хуқуqlарни аниқ белгилаш, ер низоларини олдини олиш ва ҳал этиш имконини беради.

3.Экологик назорат:

Ер ресурсларининг экологик ҳолатини кузатиш ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишда муҳим роль ўйнайди.

Ер кадастри нафақат хуқуқий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи тизим, балки давлат ер сиёсати, инвестицион муҳит, экология ва қишлоқ хўжалиги ривожида муҳим ўрин тутади. Уни янада такомиллаштириш, рақамлаштириш ва очик ахборот майдонига айлантириш орқали жамиятнинг турли қатламлари манбаатдор бўлиши таъминланади.

Ер кадастри – ҳар қандай давлатнинг ер ресурсларини оқилона бошқариш, улардан самарали фойдаланиш ва хуқуқий муносабатларни шаффоф тарзда юритишда муҳим роль ўйнайдиган стратегик ахборот тизимиdir. У орқали давлат ва жамият ўртасидаги ресурслар бўйича муносабатлар хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланади, иқтисодий тизимда ер билан боғлиқ операциялар шаффоф ва асосли бўлади.

CONTINUING EDUCATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE, INNOVATION, AND TRANSFORMATION.

International online conference.

Date: 29th June-2025



Замонавий кадастр тизимлари нафакат ер юзаси ҳақида маълумот бериб, балки ердан фойдаланишнинг иқтисодий ва экологик оқибатларини ҳам баҳолаш имконини яратади. Шундай экан, ер кадастри фақатгина техник ёки хужжатлаштириш воситаси эмас, балки жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилувчи мураккаб давлат бошқаруви инструменти сифатида қаралиши керак.

Айниқса, Ўзбекистон каби қишлоқ хўжалигига таянадиган мамлакатларда ер ресурсларини оқилона ҳисобга олиш, баҳолаш ва муҳофаза қилиш – иқтисодий барқарорлик ва озиқ-овқат хавфсизлигининг гаровидир.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб бизнингча, бугунги кунда ер кадастр тизимини рақамлаштиришни тўлиқ якунлаш лозим. Чунки, геоинформацион технологиялар асосида ер кадастри маълумотларини тўлиқ рақамлаштириш ва уларни ягона давлат ахборот базасига интеграция қилиш орқали кадастр маълумотларининг аниқлиги, ишончлилиги ва тезкорлигига эришилади.

Ерни баҳолашда автоматлаштирилган алгоритмларни жорий этиш керак. Ернинг бозор қийматини аниқлашда сунъий интеллект ва маълумотлар таҳлили алгоритмларидан фойдаланиш, солиқ ва ижара механизмларини аниқ ва шаффоф қилишга ёрдам беради.

Кадастр маълумотларининг очиқлигини ошириш лозим. Жамоатчилик, тадбиркорлар ва тадқиқотчилар учун ер кадастри маълумотларининг очиқ ва фойдаланишга қулай шаклда тақдим этилиши инвестицион муҳитни яхшилайди ва коррупция ҳолатларини камайтиради.

Кишлоқ хўжалиги ерларини доимий мониторинг қилиш ҳамда дронлар, сунъий йўлдош суратлари ёрдамида ер ҳолати ва ундан фойдаланиш даражасини мунтазам кузатиб бориш орқали ижобий натижаларга эришилади.

Ер кадастри соҳасини такомиллаштириш жамият ва иқтисодиёт учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан ушбу соҳани такомиллаштиришнинг асосий аҳамиятли жиҳатларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

1. Мулк хукуқини мустаҳкамлашда:

Ер кадастри маълумотлари ер участкаларининг аниқ чегараларини, эгалик хукуқини ва бошқа хукуқий асосларини расман белгилаб беради. Бу ер бўйича можароларни камайтиради ва хукуқий аниқлик яратади.

2. Инвестиция муҳитини яхшилашда:

Аниқ ва ишончли кадастр маълумотлари ички ва хорижий инвесторларга ишонч бағишлийди. Ер участкаси ҳақидаги аниқ маълумотлар инвестиция лойиҳаларини режалаштириш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

3. Солиқ тизимини самарали юритишида:

Ер ва мулк солиқларини тўғри ҳисоблаш ва ундириш ер кадастри маълумотларининг тўғри ва янгиланиб боришига боғлиқ. Шу боисдан, бу соҳанинг такомиллашуви давлат бюджети даромадларини оширишга хизмат қиласи.

4. Шаҳарсозлик ва ҳудудий ривожланиши режалаштиришида:

**CONTINUING EDUCATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE,
INNOVATION, AND TRANSFORMATION.**
International online conference.

Date: 29th June-2025

Ер ресурслари ҳақида тұлық ва аниқ маълумотлар худудий ривожланиш дастурларини самарали ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради. Бу шаҳарсозлик, инфратузилма лойиҳалари ва экологик назорат соҳаларида муҳимдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз ўринлики, ер кадастри соҳасини такомиллаштириш фақатгина техник масала эмас, балки иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий барқарорликнинг асосий омилларидан бири хисобланади. Бу соҳада ракамлаштириш, геоахборот тизимларини жорий қилиш, инсон омилини камайтириш каби замонавий ёндашувлар жуда долзарб саналади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. (1998).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофоникни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243 сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5006-сонли Карори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6061 сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг 2024 йил 1 январь ҳолати тўғрисида Миллий ҳисботот.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5006-сонли Карори.